



TRANSFORMATSIYA

BANDLIK

Korporativ boshqaruv

ZAMONAVIY BOSHQARUV

ISLOHOTLAR RIVOJLANISH



AUKION

MUVAFFAQIYAT

XALQCHIL IPO



XUSUSIY SEKTOR RIVOJI

STRATEGIYA

SARMOYADORLAR

YER ISLOHOTLARI

ISLOHOTLAR

# XUSUSIYLASHTIRISH

XORIJIY

INVESTITISIYALAR

SARMOYADORLIK

REJASHTIRISH

SARMOYA

Davlat ishtiroki qisqarishi

MULK DAXLISIZLIGI

BOZOR MEXANIZMLARI

**DAVLAT MULKINI XUSUSIYLASHTIRISH TO'G'RIDA 2024 YIL YAKUNLARI BO'YICHA YIG'MA HISOBOT**

Давлат мулкани хусусийлаштириш  
тўғрисида 2024 йил якунлари бўйича

---

# ЎИЎМА ҲИСОБОТ

2025 йил апрель



Менинг катта ниятим — юрtdoшларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

**Ш.М. Мирзиёев**



## МУНДАРИЖА

---

<b>1. ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ КИРИШ СЎЗИ</b> .....	6
1.1. Давлат активлари агентлиги ҳақида умумий маълумот .....	12
1.2. Давлат активлари агентлигининг асосий устувор йўналишлари .....	14
<b>2. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b> .....	17
2.1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни тўғрисида маълумот.....	18
2.2. Хусусийлаштириш дастурлари тўғрисида маълумот.....	26
<b>3. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ</b> .....	31
3.1. Давлат активлари хусусийлаштириш натижалари (соҳалар ва тармоқлар кесимида).....	32
3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини IPO ва SPO орқали жойлаштириш .....	44
3.3. Ер участкаларини хусусийлаштириш.....	48
3.4. Давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинган пул маблағлари.....	56
<b>4. “Е-AUKSION” ЭЛЕКТРОН САВДО ПЛАТФОРМАСИ ФАОЛИЯТИ</b> .....	59
4.1. “Е-AUKSION” электрон савдо платформасига чиқарилган активлар тўғрисида маълумот.....	60
4.2. Соҳани рақамлаштириш жараёнлари тўғрисида маълумот.....	61
<b>5. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА</b> .....	65
<b>6. ЖОРИЙ ЙИЛДА ВА ЯҚИН КЕЛАЖАККА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР</b> .....	69

## Давлат активлари агентлиги директорининг кириш сўзи

Сўнги йилларда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий сектор улушини ошириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай муҳит яратиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ **2021 – 2024 йилларда 3,4 млн. кв метр** бино-иншоотларга ва **2,2 минг га ер майдони**га эга бўлган **3 371 та кўчмас мулк** объектлари ҳамда **503 та** давлат иштирокидаги **корхоналар** тадбиркорларга хусусийлаштирилди.

**2024 йилда** хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ **24,4 трлн сўмлик** активлар ҳамда ер участкалари савдоларга чиқарилиб, **17,4 трлн сўмлик** активлар ва ер участкалари хусусийлаштирилди.

Шу билан бирга, мазкур даврда **тадбиркорлар томонидан** хусусийлаштириб олинган активлар негизида **4,1 трлн сўм** ва **633,3 млн АҚШ доллар инвестиция** киритилиб, **35,8 минг та ишчи ўрни** яратилди.

**2022–2024 йилларда 60 342 та 7,5 минг гектар** ноқишлоқ ер участкалари, шу жумладан **2024 йилнинг ўзида 67 та 36,4 гектар** ер участкалари **тайёр бизнес сифатида, мастер-режа асосида** тадбиркорларга сотилди.

Таъкидлаш жоизки, **2024 йилда** онлайн-аукционларга чиқарилган ер участкалари ўртача бошланғич нархига нисбатан **1,6 баробар, мастер-режа асосида** савдога чиқарилганлари эса **2 баробар қимматга сотилган**.

**Маҳаллий ҳокимликларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги манфаатдорлигини** янада **ошириш учун** ҳудуди **10 минг кв. метр**гача бўлган **давлат кўчмас мулк объектларини** ҳамда **ноқишлоқ хўжалиги ер**

**участкаларининг** реализациясидан тушган **маблағлар вилоят** ва **объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларида уларнинг қўшимча манбааси сифатида қолдирилмоқда**.

Қайд этиш жоизки, сўнги **2 йилда** хусусийлаштиришдан **маҳаллий бюджетлар ихтиёрида** жами **1,3 трлн сўм қолдирилган**.

Ўз навбатида, **маҳаллий ҳокимликлар тадбиркорларни давлат активларини сотиб олишга** кенг **жалб қилиш** орқали **ўзларининг молиявий имкониятларини янада оширади**.

Давлат мулкани сотишда барча учун очик ва фойдаланиш учун қулай бўлган **инсон омилисиз 24/7 режимда** ишловчи **“E-auksion”** электрон савдо платформасидан кенг фойдаланилмоқда.

**“E-auksion”нинг** иштирокчилари **2020–2024 йилларда 53 мингдан 2,1 млнга** ошиб **оммабоп платформага** айланди, онлайн режимдаги **тўлов** ҳамда **кафолатланган ҳисоб-китоблар** учун **Биллинг** ва **Эскроу** тизимлари ишга туширилиши **йиллик савдо ҳажмини** мазкур даврда **1,8 трлндан 17 трлн сўмга** ошишига хизмат қилди.

Хусусан, 2024 йилда тадбиркорларга **3 мингга яқин** давлат мулки объектлари ва **4 минг гектар ер участкалари** сотилди, хусусийлаштириш жараёнини соддалаштириш ва жадаллаштириш бўйича жорий этилган тартиб-таомиллар натижасида давлат активларини сотиб олишда **2,7 трлн сўмлик** қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилди.

Натижада, давлат иштирокидаги корхоналар сони 2024 йилда **67 фоизга** қисқартиришга эришилди.

“Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида 2030 йилга қадар, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини **85 фоизга етказиш**, давлат улуши мавжуд 2,3 мингта корхоналар сонини **6 баробарга** камайтириш белгиланди.

Давлат активлари агентлигининг 2024 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида асосий мақсад ва йўналишлардан бири сифатида белгиланган **давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини чеклаш, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек,**

**тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш орқали иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини оширишга** қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасида тўғридан-тўғри амал қиладиган **“Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди (ЎРҚ–907 14.02.2024 й).**

Ушбу Қонун билан давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг асосий принциплари, хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари ва субъектлари, соҳасини тартибга солиш мезонлари, хусусийлаштириш тартиби ва усуллари, давлат мулканинг кафолатлари ва ҳимоя қилиниши белгиланди.

Шунингдек, Қонунга асосан ваколатли орган ҳар йили 1 апрелга қадар, Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида йиғма ҳисобот тайёрлаши белгиланди ва шунга асосан 2024 йил якунлари бўйича илк йиғма ҳисобот тайёрланди.

Илк бор **“Халқ IPO”**сини ўтказиш бўйича **“Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖ** устав капиталидаги **4,4 фоиз** давлат акциялар пакети “битта акция – битта лот” тамойили асосида оммавий таклиф этилди. Хусусан, республиканинг барча вилоятларида **“Roadshow”** тақдимотлари ўтказилиб, капитал бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан аҳоли билан **жонли учрашувлар** ташкиллаштирилди.

Натижада, жойлаштирилиши режалаштирилган акциялар ҳажмига нисбатан **108 фоиз**, яъни **3,6 млн та** акцияларни сотиб олиш учун **12,6 мингта жисмоний** ва **юридик** шахслардан **46,6 млрд сўмлик** таклифлар келиб тушди. Келиб тушган таклифлар аввал эълон қилинган мезонлар бўйича Ўзбекистон Республикаси резидент жисмоний шахсларига устуворлик ҳуқуқи берилган ҳолда жойлаштирилди. Бунда, жами **42,9 млрд сўмлик 11 298 та** буюртмалар (11 234 та жисмоний ва 64 та юридик шахслар) қаноатлантирилди.

**“Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖ** акциялари **“Xalqchil IPO”** дастуридан сўнг барқарор ижобий ўсиш динамикасини кўрсатиб, акциялар эгаларига ўртача **35%** даромадни тақдим этмоқда.

Умуман олганда, Давлат активлари агентлигининг 2024 йилдаги фаолияти хусусийлаштириш орқали иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш ва тадбиркорларга шароит яратиш, давлат мулкани самарали бошқаришни ташкил этишга қаратилди ва ушбу вазифаларни бажариш 2025 йилда ҳам сафарбарлик руҳида ташкил этилади.

**Ортиков Акмалхон  
Жўрахонович**

**Давлат активлари агентлиги  
директори**



ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ  
АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА  
МАЪЛУМОТ



## 1.1. Давлат активлари агентлиги ҳақида умумий маълумот

Давлат активлари агентлиги тарихи мамлакат мустақиллигининг илк йилларига тўғри келади.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилган.

Кейинчалик, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси сифатида қайта ташкил этилган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида мамлакатда олиб борилган ислохотлар жараёнида Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолияти такомиллаштирилиб, бир неча марта қайта ташкил этилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** ва Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий ислохотлар концепциясида** белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тузилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **“Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Президент қарори имзоланди (ПҚ-101, 24.03.2023 й).

**Давлат активлари агентлиги тузилмаси** марказий аппарат ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларидан ташкил топган.

Шунингдек, Давлат активлари агентлиги тузилмасига **Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази** (14 та ҳудудий бошқармалари билан), “Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази” АЖ, Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини ўрганиш маркази ва Бино ва мол-мулкларни вақтинчалик сақлаш дирекцияси киради.

Давлат активлари агентлиги давлат мулкни бошқариш ҳамда хусусийлаштириш соҳасида **ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади.**



## 1.2. Давлат активлари агентлигининг асосий вазифалари ва функциялари

### Давлат активлари агентлигининг асосий вазифалари ва функциялари:

- 1** Давлат активларини бошқариш, хусусийлаштириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида ягона давлат сиёсатини юритиш.
- 2** Давлат мулки ҳисобини юритиш, бошқариш ва хусусийлаштириш ҳамда тўловга қобилиятсизлик жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.
- 3** Давлат активларини очиқ ва шаффоф хусусийлаштириш орқали уларнинг иқтисодиётдаги улушини муттасил қисқартириб бориш, хусусийлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш.
- 4** Давлат улушига нисбатан акциядор (иштирокчи) вазифасини амалга ошириш, акциядорнинг (иштирокчининг) вазифалари “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустасно.
- 5** Давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарини ислоҳ қилишда иштирок этиш, уларда самарали дивиденд сиёсатининг юритилишини мувофиқлаштириш, корхоналарнинг операцион самарадорлигини ошириш, харидлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш.

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бошқарув тузилмасини оптималлаштириш, юқори даромадлилик ва капиталлашув даражасини ошириш, соҳага кирмайдиган ва фойдаланилмаётган активларини чиқариб ташлашга қаратилган ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни мувофиқлаштириш.

**6**

Давлат активларини ижарага беришнинг очиқ ва шаффоф механизмини таъминлаш.

**7**

Тўловга қобилиятсизлик ишлари бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

**8**

Баҳоловчилар ва риэлторлар хизматини сертификатлаштириш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш;

**9**

Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бу тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.

**10**



ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН  
НОРМАТИВ-ҚУҚУҚИЙ  
ҚУЖЖАТЛАР



## 2.1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2024 йил 14 февраль, ЎРҚ–907) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси томонидан 2023 йил 5 сентябрда қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенати томонидан 2023 йил 24 ноябрда маъқулланган.

1991 йилда қабул қилинган аввалги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун бугунги кун талабларига жавоб бермаган ҳамда ушбу Қонунга 20 дан ортиқ маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, маънан эскирган.

Аввалги Қонун чет элда кенг қўлланиладиган хусусийлаштириш усуллари (амалда 2 та усул: аукцион, танлов), очиқлик ва шаффофлик талабларини ҳамда давлат органларининг хусусийлаштириш соҳасидаги аниқ ваколатларини назарда тутмаган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Халқаро тажрибада хусусийлаштиришнинг 4 тадан 10 тагача услуги қўлланилади, жумладан, Германияда (6 та), Чехияда (7 та) ва Польшада (10 та).

Шу муносабат билан, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун (21 та модда) бекор қилиниб, тўғридан-тўғри амал қилувчи янги “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (9 та боб, 45 та модда) амалиётга жорий этилди.

Янги Қонунни ишлаб чиқишда ушбу соҳага оид халқаро тажриба, хусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, “Indecon Consulting” компанияси, “KPMG” компанияси, польшалик экспертлар ҳамда ва бошқа бир қатор малакали маслаҳатчилар таклифлари инобатга олинган.

Қонунда қуйидаги асосий нормалар назарда тутилган:

1. Давлат активлари агентлиги давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш дастурлари Давлат активлари агентлиги томонидан давлат органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва нодавлат юридик шахсларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилади.

Хусусийлаштириш дастурлари Давлат активлари агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, қуйидагилар томонидан тасдиқланиши белгиланди:

а) республика мулки объектлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти (йирик давлат корхоналари) ва Вазирлар Маҳкамаси (қолган республика мулклари);

б) муниципал мулк бўйича:

- давлат корхоналари, давлат муассасалари ва хўжалик жамиятларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушларини хусусийлаштириш дастурлари – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари;

- кўчмас мулк объектлари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари.

2. Хусусийлаштиришнинг электрон-онлайн аукцион, танлов, биржа, музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш, рақобатга асосланган мулоқот, кўчмас мулк, улуш ҳамда корхонани бошқа жамиятнинг устав фондига киритиш ҳамда корхоналарни кейинчалик сотиш шарти билан ижарага бериш каби 8 та усуллари белгиланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

ЎРҚ-907, 14.02.2024й.

Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш зарурати

1991 йилда қабул қилинган Қонун

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун хорижда кенг қўлланиладиган хусусийлаштириш усулларини (амалда 2 та (аукцион, танлов), очиқлик ва шаффофлик талабларини ҳамда давлат органларининг хусусийлаштириш соҳасидаги аниқ ваколатларини назарда тутмайди.

Қонунни ишлаб чиқишда иштирок этган ташкилотлар



Жаҳон банки



Европа тикланиш ва тараққиёт банки



Осиё тараққиёт банки



“Indicon Consulting” компанияси



“KPMG” компанияси



54 та вазирлик ва идоралар



Польшалик экспертлар

Халқаро тажриба

Халқаро тажрибада 4 тадан 10 тагача хусусийлаштириш услулари қўлланилади.



Германияда - 6 та



Чехияда - 7 та




Польшада - 10 та

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

**Қонуннинг  
 мақсади**

Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат

### ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ДАВЛАТ МУЛКИ



ДАВЛАТ КЎЧМАС  
 МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ



ДАВЛАТ УЛУШЛАРИ  
 (АКЦИЯЛАРИ)



ДАВЛАТ КЎЧМАС  
 МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ



ДАВЛАТ УЛУШЛАРИ  
 (АКЦИЯЛАРИ)

### АЛОҲИДА ҚОНУНЛАР БИЛАН СОТИЛАДИГАН ДАВЛАТ МУЛКИ



Суд ҳужжатлари асосида давлат мулкани реализация қилиш



Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш



Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ 8 ТА УСУЛ ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ




Электрон-онлайн  
аукцион



Электрон  
танлов



Биржа савдолари



Музокараларга  
оммавий  
равишда таклиф  
қилиш



Рақобатга  
асосланган  
мулоқот



Кўчмас мулкни  
ва улушни  
жамиятнинг устав  
фондига киритиш



Корхона ва муассасани  
бошқа жамиятнинг  
устав фондига  
киритиш



Корхона ва муассасани  
кейинчалик сотиш  
шарти билан  
ижарага бериш

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ УСУЛИНИ ТАНЛАШ ДАВАКТИВ АГЕНТЛИГИ ЁКИ УНИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИ ТОМОНИДАН,  
ШУ ЖУМЛАДАН ЖАЛБ ЭТИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ МАСЛАҲАТЧИНИНГ ТАВСИЯСИГА АСОСАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Давлат мулкни хусусийлаштириш усулини танлаш давлат кўчмас мулк объектининг, давлат унитар корхонасининг, давлат муассасасининг ёки давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятининг ўзига хос (индивидуал, тармоққа оид, ҳудудий ва бошқа) хусусиятлари, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда хусусийлаштириш мақсадлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади

## 2.2. Хусусийлаштириш дастурлари тўғрисида маълумот

Ҳар йили “сот ёки тушунтир” тамойили асосида давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти таҳлил қилиниб, фаолиятсизларини тугатиш, рақобат ривожланган соҳалардаги давлат муассасаларни сотиш, шунингдек, корхоналарга тегишли бўш турган ва носоҳавий кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказилиб, уларни хусусийлаштириш бўйича дастур тайёрланиб тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

2022 йилдан бошлаб ҳар йили хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқиб тасдиқлаш амалиётга кирди.

Хусусан, **2022 йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–168-сон қарори қабул қилинди, қарорга кўра:

**55 та** хўжалик жамиятларидаги давлат улуши;

**1501 та кўчмас мулк объектлари**, жумладан, нефть-газ тармоғи корхоналарининг 396 та, ахборот технологиялари соҳасидаги корхоналарнинг 130 та, тижорат банклари ва молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг 109 та, озиқ-овқат тармоғи корхоналарининг 47 та, йўл-транспорт тармоғи корхоналарининг 29 та, энергетика тармоғи корхоналарининг 20 та ва бошқа тармоқ корхоналарининг 105 та ҳамда давлат мулки бўлган 665 та кўчмас мулк объектлари;

майдони **1721 гектар** ер участкалари оммавий савдоларга чиқарилиши;

худуди **10 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағлар**, баҳолаш ва сотиш харажатлари ҳамда Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси тасарруфига ўтказиладиган қисми чегирилган ҳолда, **Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) бюджетига тенг улушларда тақсимланиши** белгиланди.

**2023 йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида” ПҚ–102-сон қарори қабул қилинди, қарорга кўра:

**1 000 дан** ортиқ давлат иштирокидаги корхоналар улушлари ва **1 046 та** кўчмас мулки объектлари оммавий савдолар орқали сотилиши;

фонд биржасига чиқарилган давлат акция пакетларини сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат савдо жараёнларида камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилиши;

барча давлат муассасаларининг асосий воситаларини сотиш ёки ижарага бериш “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали амалга оширилиши;

онлайн аукцион савдоларида давлат мулки объектларини сотиб олган харидорлар билан шартномалар савдо натижаси бўйича баённома асосида “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) расмийлаштирилиши белгиланди.

**2024 йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–162-сон қарори қабул қилинди, қарорга кўра:

**247 та** корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари);

**1 028 та** давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари оммавий савдоларга чиқарилиши;

**12 та** корхоналар акцияларининг маҳаллий фонд бозорида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклиф этилиши;

давлат активлари **3 ойда** сотилмаганда (*Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно*) уларнинг бошланғич баҳосининг **10 фоизгача босқичма-босқич пасайтирилиши**;

2024 йил 1 январгача ижара шартномалари асосида **ижарага олганига камида 5 йил** бўлган ва мажбуриятларни бажарган тадбиркорларга хусусийлаштириш дастурларига кирган давлат мулкини баҳоланган қийматда **тўғридан-тўғри сотиб олиш ҳуқуқи берилиши**;

давлат кўчмас мулкини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олган харидорлар томонидан **ер ва мол-мулк солиқлари ушбу объектлар учун тўланган маблағларга пропорционал равишда ҳисобланиши**.

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари** (*Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно*) **3 ойда** сотилмаганда,

бошланғич қийматининг **30 фоизигача, 6 ойда** сотилмаганда – **10 фоизигача пасайтирилиши** ва тўловларининг **15 фоизини 3 ой муддатда**, қолган қисмини **10 йилгача** муддатда **бўлиб-бўлиб тўлаш**;

**4 ва 5 тоифадаги** туманларда жойлашган давлат активлари ва мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган ер участкалари бўйича тўловлар **5 йил** ичида **тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўланаш**. Ер участкаларини сотиб олганда уларни **гаровга қўйиш учун** талаб этиладиган амалдаги **35 фоиз** тўлов миқдори **15 фоизга туширилиши белгиланди**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” ПҚ-163-сон қарори қабул қилинди. Қарорга асосан:

**7 та** давлат иштирокидаги корхоналарни акция пакетлари (улушлари) ни профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда халқаро бозорда оммавий савдоларга чиқариш;

**4 та** давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг акция пакетларини 2025 йилда халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифини ўтказиш.

**2024 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда:**

корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, жумладан бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун **кузатув кенгашига бўйсунадиган** корпоратив котибият ташкил этиш;

корпоратив бошқарувнинг янгиланган қоидалари ва ахлоқ кодекси жорий этиш;

кузатув кенгашининг баённомаларини масофадан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда **электрон овоз бериш бюллетенлари** орқали расмийлаштириш имконияти яратиш белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-164-сон қарори билан Давлат активлари агентлиги ҳузурида Аграр соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарни тугатиш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилди.

Лойиҳа офиси томонидан “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, “Ўзагросервис” АЖ ва “Ўздонмахсулот” АКни тугатиш бўйича зарурий чораларни кўриш,

хусусан корхоналарнинг активлари ва мажбуриятлари хатловдан ўтказиб, қўчмас мулк объектларини оммавий савдолар орқали сотиш белгиланди.

**2025 йил** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида**”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди:

Қарори лойиҳаси билан қуйидагилар тасдиқланмоқда:

**а) оммавий савдоларга** чиқариладиган **112 та**, шундан **55 таси** давлат иштирокидаги корхонанинг **акциялари (улушлари) рўйхати**;

*Қишлоқ хўжалиги (6 та), кинематография (4 та), сув хўжалиги (2 та) ва бошқалар.*

**б) оммавий савдоларга** чиқариладиган **629 та**, шундан **207 таси** давлат иштирокидаги корхонанинг **қўчмас мулк объекти рўйхати**;

*Қўчмас мулклар майдони 700 минг квадрат метрни (ер майдони 520 гектар) ташкил этади.*

*Лойиҳага соғлиқни сақлаш (70 та), таълим (90 та), маданият (11 та), қишлоқ хўжалиги (13 та), сув хўжалиги (8 та), автомобил йўллари қўмитаси (9 та) ва бошқа соҳалардаги объектлар киритилган.*

**в) 2025 йилда** устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида аукцион савдоларига чиқариладиган **6 100,1 гектар** ер участкалари;

*Қорақалпоғистон Рес. (613,9 гектар), Андижон (327,6 гектар), Бухоро (418,7 гектар), Жиззах (364 гектар), Қашқадарё (453,6 гектар), Навоий (485,6 гектар), Наманган (274,7 гектар), Самарқанд (730,3 гектар), Сирдарё (333,8 гектар), Сурхондарё (480,6 гектар), Тошкент вил. (649,2 гектар), Фарғона (425,9 гектар), Хоразм (343,5 гектар), Тошкент ш. (198,7 гектар)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида**”ги қарори лойиҳасида:

Профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда **халқаро бозорда очик оммавий савдоларга** чиқариладиган акция пакетлари (улушлари) **рўйхати** тасдиқланмоқда.

**14 та** нефт база корхоналари, **10 та** иссиқлик электр станцияси корхоналари, **6 та** молия корхоналари, **5 та** нефтгаз ва кимё саноати корхоналари, **2 та** автосаноат корхоналари ва бошқалар.



2021–2024 ЙИЛЛАРДА  
ДАВЛАТ МУЛКИНИ  
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ  
НАТИЖАЛАРИ

3

### 3.1. Давлат активларини хусусийлаштириш натижалари (соҳалар ва тармоқлар кесимида)

Хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ **2021 – 2024 йилларда 3,4 млн. метр квадрат** бино-иншоотларга ва **2,2 минг га ер майдони**га эга бўлган **3 371 та кўчмас мулк** объектлари ҳамда **503 та** давлат иштирокидаги **корхоналар** тадбиркорларга хусусийлаштирилди.

Шу билан бирга, мазкур даврда **тадбиркорлар томонидан** хусусийлаштириб олинган активлар негизида **4,1 трлн сўм** ва **633,3 млн АҚШ доллар инвестиция** киритилиб, **35,8 минг та ишчи ўрни** яратилди.

2024 йилда хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ **24,4 трлн сўмлик** активлар ҳамда ер участкалари савдоларга чиқарилиб, **17,4 трлн сўмлик** активлар ва ер участкалари хусусийлаштирилди.

Хусусан, хусусийлаштириш дастурларига асосан **18,4 трлн сўмлик 6 760 та** давлат активлари савдоларга чиқарилди ва **13 трлн сўмлик 3 158 та** активлар сотилди.

**Мисол учун:** “Миллий банклараро процессинг маркази” АЖ – **841 млрд сўм**, “Uz-Koram Kompani” МЧЖ – **307 млрд сўм**, “International hotel Tashkent” меҳмонхонаси – **350 млрд сўм**, Шарқ наширётининг собиқ бино-иншоотлари – **300 млрд сўм**, Lotte City Hotel Tashkent Palace – **256 млрд сўм**, “Кўнғирот сода заводи” ҚК МЧЖ (49%) – **244 млрд сўм**, Чилонзор туманидаги бўш турган бино-иншоотлари – **138,4 млрд сўм**, “Пойтахтбанк” АЖ (100%) – **127 млрд сўм**.

2025 йил 1 апрел ҳолатига бошланғич қиймати **18 трлн сўмлик 3 600 тадан ортиқ** активлар бўйича **савдолар давом этмоқда**.

Савдоси давом этаётган **давлат активларнинг 440 таси** бўйича 3 ойдан ортиқ сотилмаганлиги сабабли нархларни пасайтириш механизми қўлланилган, жумладан, уларнинг **65 таси 10-30 фоизга**, **117 таси 40-60 фоизга**, **153 таси 70-90 фоизгача** пасайтирилган.

### ИМТИЁЗ ВА ҚўЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**2021–2024 йилларда** давлат активлари ва ер участкаларини **сотиш** ҳамда давлат кўчмас мулкларини **ижарага беришда** жами **53 та** имтиёз ва қўллаб қувватлаш йўналишларида қиймати **8,3 трлн сўмлик 18 401 та** шартномаларда **367 млрд сўм имтиёзлар берилган**.

**225 млрд сўм** давлат **активларини сотишдан**;


**92,3 млрд сўм** ноқишлоқ **ер участкаларини сотишдан**;

**50,0 млрд сўм** давлат кўчмас мулкларини **ижарага беришдан**.

Шу билан бирга, **2024 йилда** савдоларга чиқарилган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнини соддалаштириш ва жадаллаштириш бўйича жорий этилган тартиб-таомиллар натижасида давлат активларини бошланғич қийматини бошқичма-босқич пасайтириш ҳисобига тадбиркорларга **2,7 трлн сўмлик** қўллаб қувватлаш чоралари тақдим этилди.



## 2024 йилдаги хусусийлаштириш натижалари



**2024 йилда онлайн-аукционларга** чиқарилган ер участкалари ўртача бошланғич нархига нисбатан **1,6 баробар қиммат** сотилди.

**2024 йилда халқаро аҳамиятдаги** автомобил йўллари бўйида **тайёр мастер-режа асосида:**

**310 та 170 га** ер участкалари савдога чиқарилди.

**67 та 36,4 га** ер участкалари бошланғич нархига нисбатан **2 баробар қиммат** сотилди.

## Хусусийлаштирилган йирик давлат активлари

	"Миллий банклараро процессинг маркази" АЖ	<b>841</b> млрд сўм
	"Uz-Koram Kompani" МЧЖ	<b>307</b> млрд сўм
	"International hotel Tashkent" меҳмонхонаси	<b>350</b> млрд сўм
	Шарқ наширётининг собиқ бино-иншоотлари	<b>300</b> млрд сўм
	Lotte City Hotel Tashkent Palace	<b>256</b> млрд сўм
	"Қўнғирот сода заводи" АЖ (49%)	<b>244</b> млрд сўм
	"O'ztemiryo'lkonteyner" АЖ(35%)	<b>200</b> млрд сўм
	Собиқ "Ўздонмахсулот" АКнинг маъмурий биноси	<b>185</b> млрд сўм
	"Фотон" АЖ (85,58%)	<b>151</b> млрд сўм
	"Боштранслойтиха" АЖ (80,26%)	<b>131</b> млрд сўм
	Пойтахт банк АЖ	<b>127</b> млрд сўм
	"Автокомпонент" МЧЖ (98,8%)	<b>105</b> млрд сўм
	Андижон биокимё АЖ (96%)	<b>101</b> млрд сўм
	Собиқ 2512-сон автожамланма автобаза бино - иншоотлари	<b>101</b> млрд сўм
	"Xalqchil IPO" (УзРТХБ 2%)	<b>43</b> млрд сўм

## Давлат активлари агентлиги томонидан берилган имтиёзлар



**Давлат активлари (акция, улуш, кўчмас мулк)ни сотиш йўналишида жами**



**225**  
млрд сўмлик имтиёз берилган

**Ер участкаларини сотиш йўналишида жами**



**92,3**  
млрд сўмлик имтиёз берилган

**Давлат мулкни ижарага беришда жами**



**50**  
млрд сўмлик имтиёз берилган

Давлат активлари агентлиги томонидан соҳада берилган имтиёзлар сони

**55 та**



Давлат активларини хусусийлаштириш йўналишидаги имтиёзлар

**23 та**

Ушбу имтиёзлар

**14 та**

норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланган

шундан:

- Қонун: 1 та
- ПФ: 1 та
- ПҚ: 8 та
- ВМҚ: 1 та

Ер участкаларини сотиш йўналишида

**7 та**

Ушбу имтиёзлар

**6 та**

норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланган

шундан:

- ПФ: 3 та
- ПҚ: 2 та
- ВМҚ: 1 та

Давлат мулкни ижарага бериш йўналишида

**25 та**

Ушбу имтиёзлар

**20 та**

норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланган

шундан:

- ПФ: 6 та
- ПҚ: 11 та
- ВМҚ: 3 та

Янги хусусийлаштириш дастурига мувофиқ қўшилаётган имтиёзлар


**9 та**

Давлат активларини хусусийлаштириш йўналишида → 4 та


Ер участкаларини сотиш йўналишида → 3 та

Давлат мулкни ижарага бериш йўналишида → 2 та

## Давлат активлари (акция, улуш, кўчмас мулк)ни сотиш йўналишида:



Ер участкаларини сотиш йўналишида:



Давлат мулкни ижарага бериш йўналишида:



### ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР АКТИВЛАРИНИ СОТИШ

2024 йил давомида бошланғич нархи **7,1 трлн сўм** бўлган **16 358 та** устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, **кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалари** аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **2,5 трлн сўм** бўлган **8 682 таси** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **2,8 трлн сўмга** ёки **297 млрд сўм** қимматга сотилган/ижарага берилган. Шундан:

Бошланғич нархи **5,7 трлн сўм** бўлган **2 471 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг **кўчмас мулклари ва улушлари** аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **1,9 трлн сўм** бўлган **1 261 таси** **2,1 трлн сўмга** ёки **172,0 млрд сўм** қимматга реализация қилинган;

– Тошкент вилояти, Тошкент туманидан нархи **6,6 млрд сўм** бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Чилонзор филиалига қарашли “Маъмурий бино ва ишлаб чиқариш цехи” бино ва иншоотлари 2024 йил 8 январда **12,6 млрд сўмга** сотилди. (лот рақам – 7693244).

Бошланғич нархи **1,1 трлн сўм** бўлган **12 453 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг **бошқа мол-мулклари** аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **392,9 млрд сўм** бўлган **6 519 таси** **448,9 млрд сўмга** ёки **56,0 млрд сўм** қимматга реализация қилинган;

– Бухоро вилояти, Пешкў туманидан нархи **938,2 млн сўм** бўлган “Buxoro Agroservis MTP” МЧЖга қарашли Jhon Deer трактори билан Technolog 3+1 айланма ооч биргалиқда 2024 йил 16 июлда **1 688,8 млн сўмга** сотилди (лот рақами – 10186339).

Йиллик ижара ставкаси нархи **264 млрд сўм** бўлган **1 434 та** давлат иштирокидаги корхоналар **кўчмас мулклари, автомобилотранспорт**

воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан қиймати **105 млрд сўм** бўлган **902 таси** **175 млрд сўмга** ёки **70 млрд сўм** қимматга ижарага берилган;

– Тошкент шаҳар, Сирғали туманидан йиллик ижара ставкаси **8,4 млрд сўм** бўлган “Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти” МЧЖ биносидаги реклама ўрнатиш жойлари 2024 йил 29 апрелда **22,3 млрд сўмга** ижарага берилди (лот рақами: 8709773).

### АГРАР ЙЎНАЛИШДА

#### “ЎЗАГРОКИМЁҲИМОЯ” АЖ АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА:

“Агрокимёҳимоя” ҲАЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг активлари ва мажбуриятлари хатловдан ўтказилди, натижасига кўра **614 та кўчмас-мулклар, 2 828 та** қишлоқ хўжалиги техникалари, **482 та** махсус техникалар, **348 та** транспорт ва **5 466 та** бошқа асосий воситалар мавжудлиги аниқланди.

Хатлов натижасида аниқланган **614 та** кўчмас-мулк объектларидан:

**153 таси** (**159,4 млрд сўм**) муддатли бўлиб тўлаш шарти билан сотилган;

**390 таси** (**440,7 млрд сўм**) бўйича савдолар давом этмоқда;

**7 таси** давлат тасарруфига ўтказилган;

**4 таси** ҳисобдан чиқарилган;

**60 тасини** савдога чиқариш чоралари кўрилмоқда (шундан **1 таси** савдоларга тайёрлаш жараёнида, **59 таси** муаммоли).

Савдода турган, **390 та** кўчмас-мулк объектларидан, **378 тасига** бошланғич нархини босқичма-босқич **пасайтириш механизми қўлланилган**, шундан нархи **10 фоизгача** туширилган – **10 та, 20 фоизгача** туширилган – **9 та, 30 фоизгача** туширилган – **8 та, 40 фоизгача** туширилган – **26 та** ва **50 фоизгача** туширилган – **291 та, 34 та** объект белгиланган тартибда пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик кластерларига таклиф этилиб, улар томонидан розилик билдирилмаганлиги боис уларнинг бошланғич нархи **60 фоизгача** туширилган.

### “ЎЗАГРОСЕРВИС” АЖ АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА:

“Ўзагросервис” АЖ ва унинг тизим ташкилотлари хатловдан ўтказилди, натижасига кўра **118 та** корхоналарида **300 та қўчмас-мулклар**, **1 555 та** қишлоқ хўжалиги техникалари, **47 та** автотранспорт **934 та** бошқа турдаги мол-мулклар мавжудлиги аниқланди.

Хатлов натижасида аниқланган **300 та** қўчмас-мулк объектларидан:

**164 таси** (200,4 млрд сўм) сотилган;

**119 таси** (230,6 млрд сўм) бўйича савдолар давом этмоқда;

**17 таси**ни савдога чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Савдода турган, **119 та** қўчмас мулк объектларидан, **80 таси**га бошланғич нархини босқичма-босқич **пасайтириш механизми қўлланилган**, шундан нархи **10 фоизгача** туширилган – **12 та**, **20 фоизгача** туширилган – **10 та**, **30 фоизгача** туширилган – **2 та**, **40 фоизгача** туширилган – **4 та** ва **50 фоизгача** туширилган – **52 та**.

### “ЎЗДОНМАҲСУЛОТ” АК АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА:

“Ўздонмаҳсулот” АК таркибидаги **43 та** дон корхоналаридаги давлат улуши оммавий савдоларга чиқарилган бўлиб, шундан **39 таси 1,7 трлн. сўмга** сотилган.

**4 та** дон корхоналаридаги давлат улуши биржа савдоларига чиқарилган.

### “ЎЗПАХТАСАНОАТ” АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА:

Хатлов натижасида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимида жами **1 202 та** активлар аниқланган. Шундан:

- **825 таси 3 183,7 млрд сўмга** сотилган;

- **61 таси** давлат ташкилотларига самарали фойдаланиш учун ўтказиб берилган, **2 таси** ўтказиш жараёнида;

- **131 та** корхона тугатилган ва **20 таси** тугатиш жараёнида;

- **132 таси** “E-auksion” савдо платформасига савдога чиқарилган;

- **1 та** пахта тозалаш корхонаси ва **3 та** пахта тайёрлаш масканларини “E-аукцион” савдосига чиқарилмоқда;

- **3 та** пахта тозалаш корхонаси ва **11 та** пахта тайёрлаш масканларини Ҳукумат қарорларига асосан кластерларга сотиш жараёнлари кетмоқда;

- **13 та** активни (“Пахтасаноат” ҲАБ ва пахта тозалаш корхоналаридаги “Агробанк” АТБ акция пакетлари) белгиланган тартибда савдога чиқарилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда.

### СОТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Давлат активлари агентлиги томонидан кўрсатиладиган **18 та** давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилиб, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ва Давлат хизматлари марказлари орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди (2024 йилда **4 та** хизмат ишга туширилди).

(“Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини бериш, Давлат улушига эга корхоналар бўйича маълумот бериш”, “Давлат мулкининг бирламчи ижара ҳақи миқдорини ҳисоблаш”, “Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш” тўлиқ рўйхат илова қилинади).

Шунингдек, **жараёнларда инсон омилини камайтириш мақсадида:**

Давлат активлари агентлиги томонидан тақдим этиладиган **47 турдаги** маълумотлар Очiq маълумотлар портали ва Давлат активлари агентлигининг расмий веб-сайти (davaktiv.uz)га жойлаштирилди ва доимий янгиланиб борилмоқда;

Давлат активлари агентлигининг “Давлат мулки” ахборот тизими **27 та** вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди;

жисмоний ва юридик шахслар учун **сотилган давлат активлари тўловларини** электрон тўлов тизимлари “Payme”, “Click” ва “Uzum bank” мобил иловалари орқали **24/7** режимда **тўлаш имкони яратилди**;

Давлат активлари агентлигининг “Davaktiv” ва “Online-ijara” **мобил иловалари** ишлаб чиқилди (мобил илова орқали жисмоний ва юридик шахслар вакиллари томонидан узоқ (олис) ҳудудлардан тез ва осон тарзда мурожаатлар юбориш имконияти яратилган);

Давактив агентлигини бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўйича **2 та** ахборот тизими (Давлат мулки объектлари билан савдоларни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш (portal.davaktiv.uz) портали ҳамда “E-auksion Shop” платформаси) ишлаб чиқилди;

Давлат активларини олди-сотди ва ижара **шартномалари рақамлаштирилиб, QR-код** қўйилган ҳолда **электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш** тизими жорий этилди;

мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерлари **электрон рақамли имзо (QR-код)** билан тасдиқлаган ҳолда юборилиши йўлга қўйилди, бунда фуқаролар ордер олиш учун давлат хизматларига мурожаат этиши кифоя қилади;

2024 йил якуни бўйича **91 та** давлат ташкилотлари орасида рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш **натижаларига кўра, Давлат активлари агентлиги 93,55 балл билан тўртинчи ўринни** эгаллади.

### РЕКЛАМА-ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ

Мамлакатмиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида **20 та халқаро форум ва конференцияларда** Давлат активлари агентлиги вакилларининг фаол иштироки таъминланди, хусусан:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ташкил этилган **“Financing Uzbekistan’s Green Transitio”**, **“Ўзбекистонда инвестициявий жозибадорликни ошириш”** конференцияларида, **“III Тошкент халқаро инвестиция форуми”**да, Самарқанд шаҳрида **Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Кенгашининг IX йиллик анжумани** доирасида **“Янги Ўзбекистон – катта имкониятларга эга катта Давлат”** панель сессиясида хусусийлаштириш ва давлат активлари юзасидан тақдимот ўтказилди;

хусусийлаштириш дастурини ўз ичига олган **2 000 нусхадаги** брошюралар хориж томон вакиллари ва **инвесторларга** ҳамда Ўзбекистондаги **аэропортлар, вокзал ва меҳмонхоналарга тарқатилди;**

шунингдек, Туркия Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ишбилармон доира вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашув ва форумларда тақдимотлар ўтказилди;

Хорижий инвесторлар учун олиб борилган мазкур тарғибот ишлари натижасида **2024 йилда** хорижий инвесторларга **738 млрд сўм, шундан 34 млн долларлик 11 та** давлат активлари сотилди.

**Мисол учун:** “Uz-Koram Kompani” МЧЖ 100,0 фоиз давлат улуши **24 млн доллар**, “Poytaxt Bank” АЖ 100,0 фоиз акциялар пакети **10 млн доллар**, “Кўнфирот сода заводи” АЖдаги 49,0 фоиз акциялар пакети **244 млрд сўм**, “UZAUTO CEPLA” МЧЖ 50,0 фоиз давлат улуши **38 млрд сўм**

**Жорий йилда** давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобига жами **300 млн доллар** тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Бунда, инвестициялар **кимё саноати, автосаноат, нефт-газ, молия ташкилотлари** йўналишидаги давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобига ўзлаштирилишини режалаштирилган.

**Мисол учун:** **кимё саноати соҳасида** “Дехқонобод калий заводи” АЖ “Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖ, **автосаноат соҳасида** “Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖ, “Автоойна” МЧЖ, “Uz Chasys” МЧЖ, “Avto Climate Control” МЧЖ, **молия ташкилотлари соҳасида** “Uzbekinvest” ЭИСК АЖ, “Ўзагросуғурта” АЖ, “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик марказидаги тижорат банкларининг **3 та бинолари, телекоммуникация тармоғи соҳасида** “UMS” МЧЖ, **фармацевтика тармоғи соҳасида** “Дори-дармон” АЖ.

Шунингдек, **жорий йилнинг январь ойида** (20 – 22 январь) Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат делегацияси таркибида Давлат активлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Н. Хусановнинг Малайзияга ташрифи амалга оширилди

Ташриф доирасида **Малайзия давлат инвестицияларни бошқариш компанияси PNB** (Permodalan Nasional Berhad) вице-президенти Моҳд Ҳизами билан учрашув ўтказилди, учрашувда хориж томонга **Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш ва бошқариш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.**

**Маълумот учун:** PNB – 1978 йилда Малайзиянинг янги иқтисодий сиёсати доирасида ташкил этилган **Малайзия давлат инвестиция бошқарув компанияси**. Ўзининг 45 йиллик фаолияти давомида PNB малайзияликларнинг иқтисодий фаровонлигини оширишга интилиб, мамлакатдаги энг йирик активларни бошқариш компанияларидан бирига айланди. PNB 75,0 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 18 та фондни бошқаради, 32 та филиалга эга, компаниянинг бош қароргоҳи Куала-Лумпурда жойлашган.

Музокаралар чоғида Давлат активлари агентлиги ва PNB ўртасида давлат активларини самарали бошқариш соҳасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш таклиф қилинди. Шу муносабат билан фонд томонидан ушбу масалани янада ривожлантириш учун ваколатли шахс (Аида Ҳазрина) тайинланди.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари бўйича меморандум имзолаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.



### 3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини IPO ва SPO орқали жойлаштириш

Мамакатимизда кенг аҳоли қатламларида минглаб мулкдорлар ва акциядорлар пайдо бўлишига имконият яратиш мақсадида, “**Xalqchil IPO**” дастури доирасида мамлакатнинг **етаكчи давлат компанияларининг акцияларини оммавий таклиф этишнинг янги босқичи бошланган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-162-сон қарорига мувофиқ “Xalqchil IPO” ўтказилиши эълон қилинган, унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган 12 та давлат корхонаси танлаб олиниб, уларнинг акциялари IPO/SPOга чиқарилиши белгиланган.

Шунга асосан дастлаб “Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖ акциялари бўйича “Халқчил IPO” ўтказилди.

Маҳаллий фонд бозорида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиш мақсадида “**Халқ IPO**”сини ўтказиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жараёни мувофиқлаштириш бўйича “**КРМГ**” халқаро консалтинг компанияси **Стратегик консультант** сифатида ва “**КАР ДЕПО**” инвестиция компанияси (“*Kapital-Depozit*” МЧЖ, “*Satori Capital*” МЧЖ ва “*Satori IB Group*” МЧЖ андеррайтерлар консорциуми) **андеррайтер** сифатида жалб этилган.

Шунингдек, “Халқ IPO”сини ўтказиш доирасида “**Mosaic Financial**” ва “**Lightman PR**” консорциуми **PR-консультант** сифатида ҳамда 6 та **андеррайтер** компаниялари танланиб, уларни кейинчалик аниқ активни Халқчил IPOни ўтказишда алоҳида хизмат кўрсатиш шартномаси асосида жалб қилиш бўйича бош келишувлар расмийлаштирилган.

Шунингдек, “ЎзРТХБ” АЖ акцияларини оммавий жойлаштириш жараёнида рақобат муҳитини таъминлаш ва жамоатчилик қамровини кенгайтириш мақсадида қўшимча равишда 10 дан ортиқ – “**Мулк сармоя брокерлик уйи**” АЖ, “**Freedom Finance**” МЧЖ, “**Alkes Research**” МЧЖ,

“Alp Omad Invest” МЧЖ, “Premium Finance” МЧЖ, “Qoraqalpog‘iston vaqt” МChJ, “Dalal standart” МЧЖ, “Leader Finance Capital” МChJ, “Tat-Reestr” МChJ va “Finance Invest Brok” МЧЖ каби инвестиция воситачилари жалб қилинди.

Стратегик консультант – **KPMG халқаро консалтинг компанияси** ва Kapital-Depozit, Satori IB Group ва Satori Capital консорциуми (кейинчалик – Андеррайтер) билан биргаликда “ЎзРТХБ” АЖнинг жорий молиявий ҳолати ва акциялар ҳаракати таҳлил қилиниб, унинг **4,4 фоиз (3 326 031 дона)** давлат акциялар пакетини “битта акция – битта лот” тамойили асосида “Тошкент” Республика фонд биржаси яъни маҳаллий фонд бозорида **“Халқчил IPO”** ўтказиш акцияларини **12 900 сўмдан 18 000 сўмгача** бўлган нарх диапазонида жойлаштирилди.

2024 йилнинг 26 сентябр куни Тошкент шаҳридаги **Hyatt Regency** меҳмонхонасининг “Ballroom 2” залида **“Халқчил IPO”** дастури доирасида **“Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ** (ЎзРТХБ) акцияларини оммавий жойлаштириш (SPO)нинг **“Roadshow”** тақдимоти бўлиб ўтди.

Шунга қўра, “ЎзРТХБ” АЖнинг **4,4 фоиз** акциялар пакетини оммавий жойлаштириш жорий йил 26 сентябрдан 8 ноябрга қадар бўлган муддатда амалга оширилди.

Инвесторларнинг буюртмаларини қабул қилиш “Тошкент” РФБ савдо майдончасида амалда бўлган усулларга қўшимча равишда, **“E-auksion” электрон савдо платформаси** (*ipo.e-auksion.uz*) ва унинг мобиль иловаси, шунингдек **“KAP DEPO”** компаниясининг **GoInvest** иловаси ҳамда **Jett** сервис (*Multicard, Zoomrad, MyUztelecom, DavrMobile* иловалари) ва унинг *app.jett.uz* веб-терминали орқали **онлайн харид қилиш** имкониятлари яратилди.

Республиканинг барча вилоятларида **“Roadshow”** тақдимотлари ўтказилиб, Давлат активлари агентлиги, “ЎзРТХБ” АЖ, “E-auksion” платформаси мутахассислари ҳамда капитал бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан **аҳоли билан жонли учрашувлар ташкиллаштирилди.**

Бундан ташқари, республиканинг **барча туман ва шаҳарларидаги ҳоким ёрдамчилари** кўмагида **маҳаллаларга чиққан ҳолда** аҳоли

орасида тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда **қизиқиш билдирган фуқароларга аризалар берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.**

Натижада, жойлаштирилиши режалаштирилган акциялар ҳажмига нисбатан **108 фоиз**, яъни **3 606 466 та** акцияларни сотиб олиш учун **12,6 мингта жисмоний** ва **юридик** шахслардан **46,6 млрд сўмлик** таклифлар келиб тушди.

Акцияларни сотиб олиш бўйича таклифлар кўп тушганлиги боис, жараённинг халқчиллигини таъминлаш ва кенг аҳолини қатламини акциядорлар қаторига киритиш мақсадида акцияларни сотиб олиш бўйича **нарх диапазонининг қуйи қисмидаги нарх бўйича жисмоний шахсларнинг кам миқдорга эга бўлган буюртмалари устувор равишда жойлаштирилди.**

Андеррайтер томонидан келиб тушган таклифлар аввал эълон қилинган мезонлар асосида сараланиши натижасида жами **42,9 млрд сўмлик 11 298 та** буюртмалар (**11 234 та** жисмоний ва **64 та** юридик шахслар) каноатлантирилди.

Таъкидлаш жоизки, 2024 йил 26 октябрда бўлиб ўтган “ЎзРТХБ” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан **“Халқчил IPO” доирасида акцияларни сотиб олган инвесторлар** ҳар бир акциялари учун **қўшимча 4 тадан акция олиши** белгиланди.

Мазкур жараён мамлакатнинг етакчи давлат компанияларига кенг аҳоли қатламларини инвестиция киритишга жалб қилиш учун **бошланғич нуқта бўлишига** замин яратилди.

2025 йилда “Олмалиқ тоғ кон металлургия комбинати” АЖ нинг 2 фоиз давлат улушини **“Халқ IPO”** дастури доирасида оммавий тиклиф этиш режалаштирилган

### 3.3. Ер участкаларини хусусийлаштириш натижалари тўғрисида маълумот

Мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахслар учун тарихий имконият яратилди ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат берилди ва бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” Қонун қабул қилинди (ЎРҚ–728 15.11.2021 й).

Қонунга асосан “**Yerxususiyashtirish**” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан уларга доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш учун мурожаатлар келиб тушиш бошланди.

**Республикада биринчи марта** Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, “Ёғ бозори” МФЙ, О. Махмудов кўчаси 27-уйда яшовчи фуқаро **Мухаммадиев Рамз Эркиновичга** қарашли мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган **271 кв.м** ер майдонига **мулк ҳуқуқини** берувчи **ДАВЛАТ ОРДЕРИ** расмийлаштирилди.


**2022–2024 йилларда** фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўзларига тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича “Yerxususiyashtirish” ААТга **85 014 та** аризалар (2022 йилда **2 253 та**, 2023 йилда **10 021 та**, 2024 йилда **9 359 та**) келиб тушган.

Шундан, **23 383 тасига** (229 млрд сўмлик) **давлат ордери берилган** (жисмоний шахсларга **81 241 та**, юридик шахсларга **3 771 та**), қолган **61 631 таси** (ваколатли органлар **58 126 та**, юридик ва жисмоний шахслар **3 505 та**) рад этилган.

Бундан ташқари, қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини тадбиркорлик фаолияти учун мулк ва ижара ҳуқуқи асосида “**E-auksion**” электрон савдо платформаси орқали **сотиб олиш** имконияти яратилди.

**Республикада биринчи марта “SAM-MAROQAND-OIL” МЧЖ** томонидан “**E-auksion**” электрон савдо платформаси орқали Самарқанд

шаҳар, “Расадхона” МФЙ ҳудудидаги сотиб олинган **1 410 метр квадрат** ер участкаси учун **биринчи рақамли** “Ер участкасига мулк ҳуқуқини тасдиқловчи **давлат ордери**” берилди.



Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнини соддалаштириш мақсадида:

- жисмоний ва юридик шахсларда доимий фойдаланишда (эгаликда) бўлган хусусийлаштириладиган ер участкасини тўлов қиймати барча ҳудудлар бўйича **ер солиғининг базавий солиқ ставкаси 20 баравари миқдорида белгиланган эди**, янги тартибга мувофиқ **Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида ер солиғининг базавий солиқ ставкаси 10 бараварга, бошқа ҳудудларда 5 баравари** миқдорига камайтирилди ва тўловларни миқдоридан келиб чиқиб **3 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда амалга ошириш имконияти яратилди;**
- ер участкаларини савдога чиқаришда келишув ва муҳокама жараёнларини бирлаштириш ҳисобига келишиш босқичлари **8 тага**, аукционга чиқариш муддатлари эса **ижара ҳуқуқида 18 иш**

**кун муддатга ва мулк ҳуқуқи ҳам 18 иш кун муддатгача** аукцион савдосига чиқарилиши белгиланди. Илгари ер участкаларини аукционга чиқариш **13 та** босқичдан иборат бўлган, **48 иш кунидан** (ижара ҳуқуқида) **74 иш кунигача** (мулк ҳуқуқида) **аукцион савдосига чиқариш учун вақт талаб этган**);

- ер участкаларини аукцион орқали реализация қилишдан тушган маблағларнинг **50 фоиз миқдори ер участкаси жойлашган туман (шаҳар) бюджети ихтиёрида қолдирилиши белгиланди**. Илгари маблағлар вилоят ихтиёрида қолар эди;

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик саноат зоналари ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 17 июлдаги 432-сон қарори билан **инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган кичик саноат зоналари иштирокчилари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ёш тадбиркорлик субъектларига берилган** давлат кўчмас мулк объектлари ҳамда **ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби жорий қилинди**.

Шунга кўра, ЯИДХП орқали **ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича мурожаат қилинганда**, ариза автоматик равишда “Yerxususiyashtirish” ААТ орқали кўриб чиқилиши ҳамда **ваколатли органлар томонидан ижобий хулосалар берилганда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери берилиши** йўлган қўйилган.

Бугунги кунга қадар кичик саноат зоналари иштирокчилари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ёш тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат зоналари ҳудудидаги умумий майдони **286,3 гектар** ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича жами **853 та аризалар келиб тушган бўлиб**, шундан **806 та (265,4 гектар)** рад этилган, **24 та (10,1 гектар)** кўриб чиқишда, **23 та (10,8 гектар)** ер участкасига **мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери берилган**.

Шу билан бирга, Республика бўйича (ўтган йилдан ўтувчи ерлар билан бирга) майдони **9 427,7 гектар** бўлган **95 543 та қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган** ер участкалари **мулк ва ижара ҳуқуқида 5,9 трлн сўм** бошланғич нархда аукцион савдоларига чиқарилган.

Хусусан, майдони **6 673,8 гектар** бўлган **5,7 трлн сўм** бошланғич нархдаги **48 876 та** ер участкалари 2024 йилда савдога чиқарилган.

**Йил давомида 35 355 та (4 105 га), 2,8 трлн сўм** бошланғич нархдаги **мулк ва ижара ҳуқуқидаги** ер участкалари **4,4 трлн сўмга** ёки **1,6 трлн сўм** қимматга **сотилган**.

**Шундан:**

- **Мулк ҳуқуқида** 2024 йилда **15 915 та (743 гектар)** ер участкалари **343,5 млрд сўм** бошланғич нарх билан аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан **22 869 та** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **1 380 гектар** ер участкалари **452,0 млрд сўмга** реализация қилинган;

- *Тошкент вилояти, Тошкент туманидан нархи **2,7 млрд сўм** бўлган **11 сотих** ер участкаси ошхона, кафелар, савдо уйлари қуриш учун **ижара ҳуқуқи** билан **6,6 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 7773542).*

- **Ижара ҳуқуқида 31 756 та (5 711 гектар)** ер участкалари **3486 млрд сўм** бошланғич нарх билан аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан **11 455 та** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **2 548 гектар** ер участкалари **1 809 млрд сўмга (643 млрд сўм қимматроққа)** реализация қилинган;

- *Тошкент шаҳри, Миробод туманидан нархи **2,9 млрд сўм** бўлган **6 сотих** ер участкаси ошхона, кафелар, савдо уйлари қуриш учун **ижара ҳуқуқи** билан 2024 йил 22 июлда **15,1 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 10158476).*

- **Кўп қаватли уй-жой қуриш учун 1 205 та (220 гектар)** ер участкалари **1 919 млрд сўм** бошланғич нарх билан аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан **1 031 та** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **178 гектар** ер участкалари **2 109 млрд сўмга (785 млрд сўм қимматроққа)** реализация қилинган;

– Хоразм вилояти, Хазорасп туманидан нархи **88,8 млн сўм** бўлган **8 сотих** ер участкаси қўп қаватли турар-жой бинолари қуриш учун **ижара ҳуқуқи** билан 2024 йил 9 августда **4,1 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 10486363).

Шунингдек, **310 та (171 гектар)** ер участкалари **мастер-режа асосида** аукцион савдоларига чиқарилди ва **67 таси (36,4 гектар) 42,4 млрд сўмга** сотилди.

### Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари аукцион савдоларига чиқариш ҳолати (трлн.сўм)



### САНОАТ ЗОНАЛАРИ ҲУДУДИДАГИ ЕР УЧАСТКАЛАР

**Эркин ва махсус иқтисодий зоналари** ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун **770 та (2 206 гектар)** ер участкалари аукцион савдосига чиқарилиб, шундан **301 та (1 396 га)** ер участкаси **196,0 млрд сўмга** (бошланғич нархига нисбатан **21,7 млрд. сўмга** қимматроқ) сотилган.

**Ёшлар ва Кичик саноат зоналари** ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича **1 155 та (311 гектар)** (**Ёшлар саноат зонасида 222 та (27,7 га)**, **Кичик саноат зонасида 933 та (283 га)**) ер участкалари аукцион савдосига чиқарилиб, шундан **901 таси (184 га) 47,7 млрд сўмга** (бошланғич нархига нисбатан **11,1 млрд. сўмга** қимматроқ) сотилган.


### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари юридик шахслар учун ижара ҳуқуқи асосида 3 221 та (188 383 га)** ер майдонлари **874 млрд сўм** бошланғич нархда аукцион/танлов савдоларига чиқарилиб, шундан бошланғич нархи **745,9 млрд сўм** бўлган **1513 та (99 633 га)** ер майдонлари **1374 млрд сўмга**;

**Дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича 2024 йилда** бошланғич қиймати **1,0 трлн сўм 18 520 гектар** ер майдонига эга **23 645 та** ер участкалари аукцион/танлов савдоларига чиқарилган ва **10 026 та (7 614 га)** ер участкалари **709 млрд сўмга**;

**Ёшларга дехқон хўжалигини юритиш учун ижара ҳуқуқи асосида 161 674 та (61 330 га)** ер майдонлари **2 262 млрд сўм** бошланғич нархда савдога чиқарилиб, шундан бошланғич нархи **2 097 млрд сўм** бўлган **152 897 та (56 171 га)** ер майдонлари **2 441 млрд сўмга** ижарага берилди.

## 2024 йилда ноқишлоқ ер участкаларининг сотилиш ҳажми



натиха: **4 105 гектар**  
 ер майдон, **4,4 трлн сўм**

### 3.4. Давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган пул маблағлари

2024 йилда давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришдан Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига **9 815,3 млрд сўм** маблағ келиб тушган, шундан:

**5 610,7 млрд сўм** – давлатга тегишли акция пакетлари (улушлари)ни хусусийлаштиришдан;

**2 189,7 млрд сўм** – давлат кўчмас мулки объектларидан;

**2 014,9 млрд сўм** – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан.

Ушбу маблағлар ҳисобидан 2024 йилда Давлат бюджетига **7 759,3 млрд сўм ўтказилган** бўлиб, мазкур маблағларнинг:


**6 149,6 млрд сўми** – Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджетига**;

**1 609,7 млрд сўми** – **маҳаллий (вилоят, туман ва шаҳар) бюджетларга йўналтирилди.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг алоҳида қарорларига мувофиқ мақсадли харажатлар учун алоҳида давлат активларини сотишдан тушумлар ҳисобидан **1 172,4 млрд сўм йўналтирилди.**



### Давлат активлари сотилишидан 2024 йил январь-декабрь ойларида тушумлар тўғрисида МАЪЛУМОТ





ELEKTRON ONLAYN AUKSIONLARNI  
TASHKIL ETISH MARKAZI

“E-AUKSION” ЭЛЕКТРОН  
САВДО ПЛАТФОРМАСИ  
ФАОЛИЯТИ

4

## 4.1. “E-AUKSION” электрон савдо платформасига чиқарилган активлар тўғрисида маълумот

“E-auksion” электрон савдо платформаси орқали аукцион ва танлов савдоларини ўтказиш, унинг инсон омилисиз, шаффоф тарзда ўтказилиши ҳисобига йилдан йилга оммалашиб, ундаги савдо турлари ошиб бормоқда.

Хусусан, 2024 йилда “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали **28 турдаги** жами **35,6 трлн сўм** бошланғич нарх билан **289 706 та** мол-мулклар ва фойдаланиш ҳуқуқлари аукцион ва танлов савдоларига чиқарилган бўлиб, бошланғич нархи **12,6 трлн сўм** бўлган **233 470 та** лот **16,9 трлн. сўмга** (4,2 трлн. сўм қимматроқ) реализация қилинди.

### СОҲАСИДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА:

- **барча давлат муассасаларининг асосий воситалари** “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотиш;
- **хусусий мулкдорлар** буюртмаларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича **соддалаштирилган тартиб ва муддатларда** “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотиш йўлга қўйилди;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очик электрон **танлов ўрнига** электрон онлайн-аукцион савдоларини ўтказиш жорий қилинди;
- **Ўрмон фонди** ер участкаларини ҳамда **давлатга тегишли сув ҳавзаларини** тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш йўлга қўйилди;
- **“Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси** буюртмасига асосан алоҳида шартлар асосида **“Угам ривер” туристик мажмуаси** модули яратилиб инвестиция шартномасини тузиш ҳуқуқи бўйича аукцион савдолари ташкил этилди;
- давлат иштирокидаги корхоналар давлат улуши сотиш бўйича савдоларини ташкил этишда, иштирокчилар томонидан сотиб олиш нархи бўйича Мажбуриятга эга бўлган **таклифларни (The Best Offer) қабул қилиш** имконияти яратилди.

## 4.2. Соҳани рақамлаштириш жараёнлари тўғрисида маълумот

“Ассистент” тизимида ёшлар етакчилари учун **“Маҳалла еттилиги”**нинг тавсиясини олган ёшларни аукционларда қатнашишга **рухсат бериш** имконияти яратилди.

**Ер участкалари** бўйича тўловларини тўлаш бўйича шартномаларни платформа орқали имзолаш йўлга қўйилди;

**“E-auksion shop”** электрон савдо дўконининг мобил қурилмалар учун **мобил иловалари** ишлаб чиқилди ва ишга туширилди;

оммавий оферта ва бошқа шартномаларни имзолашда қўшимча равишда **OneID тизимидан** фойдаланиш имконияти яратилди.

Давлат активлари бўйича чегирма беришни назарда тутувчи олди-сотди шартномалари ҳамда кичик саноат зоналари, тадбиркорлик ерлари **(бўлиб тўлаш) ва Ўрмон фонди** ер участкалари учун **шартномалар электрон шаклда** савдо платформасида имзолаш имконияти жорий қилинди.




## E-auction электрон савдо платформасининг 2020 - 2024 йиллардаги фаолияти


### Савдога чиқарилган



### Иштирокчилар сони



### Фойдаланувчилар сони



### Реализация қилинган



### 2024 йилда



### Жорий этилган янги йўналишлар

**E - aukcion shop**  
савдо дўкони ишга туширилди

**Ўрмон фонди**  
ерларини аукцион орқали ижарага бериш йўлга қўйилди

**Xalqchil IPO**  
лойиҳаси платформада ишга туширилди

**portal.davaktiv.uz**  
ахборот портали ишга туширилди

**Биллинг тизими 24/7**  
режимда ҳисоб-китоблар ва тўловлар тизими

**Эскроу механизми**  
савдо ғолибларини рози қилиш механизми

**Интергация**  
40 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилинган

### Платформада яратилган имкониятлар

**EPOS тизими**  
фойдаланувчилари маблағларини реал вақт режимда EPOS тизими орқали автоматик қайтариш

**Мобиль иловалар**  
Android ва iOS тизимида ишловчи мобиль илова

**Электрон ҳужжат расмийлаштириш**  
шартномалар, ордер, кадастр ҳужжатлари ва лицензияларни автоматик расмийлаштириш

**The Best Offer**  
инсон омилисиз сотиб олиш бўйича мажбуриятга эга бўлган таклифларни қабул қилиш имконияти



ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА  
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

5

## 5.1. Давлат мулкни ижарага бериш натижалари тўғрисида маълумот

Республика бўйича қўчмас мулкни ижарага бериш ҳисобига умумий қиймати **472,8 млрд сўм**лик **27 644 та** (майdonи **55 млн кв.м**) ижара шартномалари тузилган ва натижада **467,6 млрд сўм** тушум таъминланган, шундан **128 млрд сўм** (2023 йилда 90 млрд сўм) маблағлар бюджетга йўналтирилган.

2024 йилда Тошкент шаҳрида жойлашган **86 та** (майdonи **262 минг метр квадрат**) автотураргоҳлар ушбу йўналишдаги фаолиятни ташкил этиш учун йиллик қиймати **63 млрд сўм**га ижарага берилган.

**Ҳоким ёрдамчилар томонидан берилган буюртманомалари бўйича:**


Ҳоким ёрдамчилари томонидан **электрон платформага жами 5 638 та буюртманомалар келиб тушган** (**1 194 таси** сотиш, **1 528 таси** ижарага бериш ва **2 916 таси** ер участкаси масаласида).

Шундан:

- **342 та**си қабул қилиниб, уларнинг **18 та**си сотиш (**8 таси** сотилган), **324 та**си ижарага бериш учун аукцион савдоларига чиқарилган (**109 таси** ижарага берилган);

- **2 380 та**си бўйича тегишли тушунтириш ва асосларни келтирган ҳолда **рад жавоби берилган**;

- **2 200 та**си “Yerelektron.uz” дастурига ўтказилган ва **716 та**си ҳоким ёрдамчилари томонидан такроран ёки хато юборилган.





ЖОРИЙ ЙИЛДА ВА ЯҚИН  
КЕЛАЖАККА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР



Жорий йилнинг 27 март куни Давлат раҳбарига 2024 йил хусусийлаштириш натижалари ҳамда 2025 йилдаги устувор вазифалар тўғрисида ахборот берилди ва қуйидагилар белгилаб олинди.

**Биринчидан,** хусусийлаштириш дастурларига асосан хусусийлаштириш ҳажми **30 трлн сўм**га етказилади ҳамда **13,7 трлн сўм** тушум таъминланиб, шундан давлат бюджетига **10,8 трлн сўм (2,8 трлн сўми аввал сотилган активлар, 5,8 трлн сўми амалдаги хусусийлаштириш дастурларидаги активлар ҳамда 2,2 трлн сўми Янги хусусийлаштириш дастури лойиҳасига киритилган активлар ҳисобидан)** ўтказилади.

**Иккинчидан,** йил якунига қадар **6 100 гектар** қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари савдоларга чиқарилади ва сотиш чоралари кўрилади.

**Учинчидан,** жорий йилда давлат мулкни ижарага бериш ҳисобига **24 000 та** ижара шартномалари тузиш орқали **440 млрд сўм** тушум тушурилади.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”**ги қарори қабул қилинганидан сўнг ижроси таъминланади.

**Бешинчидан** – “E-auksion” электрон савдо платформасида рўйхатдан ўтиш жараёнида **сунъий интеллект** элементлари асосида шахсларни биометрик (**Face-ID**) **идентификация** қилиш жорий қилинади;

**Олтинчидан** – **“Сот ёки тушунтир”** тамойили асосида **730 та** давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда **27 мингдан ортиқ** давлат муассасалари фаолияти таҳлил қилинади ва фаолиятсизларини тугатиш, рақобат ривожланган соҳалардаги давлат муассасаларини хусусийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.


**Еттинчидан** – 2026–2030 йилларда Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш стратегияси ишлаб чиқилади.

**Саккизинчидан** – **2025 йил якунига қадар** давлат иштирокидаги корхоналар сони **75 фоизгача, 2030 йил якунига қадар** давлат улуши мавжуд **2,3 мингта** корхоналар сони **6 баробарга** камайтирилади.

Бу режаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун тизимда сафарбарлик эълон қилинади.

 <b>Халқаро IPO/SPO</b>				
1.		“Навоий КМК” АЖ	10-15 %	2025 й
2.		“Миллий инвестиция жамғармаси” АЖ	25 %	2026 й
3.		“Навоийуран” ДК	10-15 %	2026 й
4.		“Uzbekistan Airways” АЖ	15-20 %	2026 й
5.		“Олмалик КМК” АЖ	10-15 %	2027 й
6.		“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	10-20 %	2027 й
7.		“Ўзбектелеком” АЖ	10-15 %	2027 й
8.		“Ўзбекгидроэнерго” АЖ	15-20 %	2027 й
9.		“Худудий электр тармоқлари” АЖ	20-25 %	2028 й
10.		“Ўзтрансгаз” АЖ	15-20 %	2028 й
11.		“Uzbekistan Airports” АЖ	15-20 %	2028 й
12.		“Худудгазтаъминот” АЖ	15-20 %	2028 й

## 2025 йил учун ноқишлоқ ер участкаларини савдога чиқариш режаси



2025 йилга режа: **6 000 гектар**  
 ер майдон, **6,0 трлн сўм**

ЙИРИК ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ		
1.		“Universal Mobile Systems” МЧЖ
2.		“Ўзсаноатқурилишбанк” АЖ
3.		“Туронбанк” АЖ
4.		“UzAuto Motors” АЖ
5.		“UzAuto Motors Powertrain” АЖ
6.		“Ўзбекинвест ЭИСК” АЖ
7.		“Ўзагросуғурта” АЖ
8.		“Uzbek Leasing International” АЖ
9.		“Ўзагролизинг” АЖ
10.		“Тошкент трактор заводи” МЧЖ
11.		“Ўзнефтвазбурғулаш ишлари” МЧЖ
12.		“Ўзнефтвазқудуктаъмирлаш” АЖ
13.		“Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ
14.		“Трансгазмахсусқурилиш” АЖ
15.		“Йўлқурилиш” АЖ

ЙИРИК ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ		
16.		“Ўзсувқурилиш” АЖ
17.		“Технопарк” МЧЖ
18.		“Jizzakh Cement” МЧЖ
19.		“Шеробод цемент” МЧЖ
20.		Нефтбазалар (14 та)
21.		“Шарғункўмир” АЖ
22.		“Навоийазот” АЖ
23.		“Ўзэкспомарказ” АЖ
24.		“Халқаро ҳамкорлик маркази” АЖ
25.		“БНҚИЗ” МЧЖ
26.		“Uzbekistan GTL” МЧЖ
27.		“Махсусэнергогаз” АЖ
28.		“Шўртан газ-кимё комплекси” МЧЖ
29.		Иссиқлик электр станциялари (10 та)

Elektron nusxasi uchun quyidagini skaner qiling:



Link: <https://gov.uz/en/davaktiv/sections/view/43777>

Qo'shimcha ma'lumot olish uchun quyidagi  
manzillar orqali murojaat qiling:  
+99871-259-21-37 or [info@davaktiv.uz](mailto:info@davaktiv.uz)